

Қ А Р О Р

1993 йил "19" август

Гулобод кўрғони

№ 44-9

Самарқанд электр тармоқларига "Чўпон-ота-Самарқанд" алоқа кабелини қурилиш пайтида вақтинча фойдаланиш учун 4,83 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг 1992 йил 7 августдаги 2 рақамли, "Наврўз" жамоа хўжалигининг 1992 йил 15 декабрдаги 29 рақамли, "Гулобод" жамоа хўжалигининг 1992 йил 9 декабрдаги 13 рақамли қарорларини, Самарқанд илмий-тажриба спорт қайиқлари заводининг 1993 йил 21 январдаги 15 рақамли маълумотномасини тасдиқлаш тўғрисида.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Совети ижроия комитетининг 1989 йил 5 апрелдаги 89-15/5 рақамли қарори билан қурилишни лойиҳалаштириш учун 7,26 гектар ер майдони танланган ва лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлганлигини, қурилиш учун маблағ ажратилганлигини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд электр тармоқларига "Чўпон-ота-Самарқанд" алоқа кабелини қурилиши пайтида вақтинча фойдаланиш учун 4,83 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг 1992 йил 7 августдаги 2 рақамли, "Наврўз" жамоа хўжалигининг 1992 йил 15 декабрдаги 29 рақамли, "Гулобод" жамоа хўжалигининг 1992 йил 9 декабрдаги 13-рақамли қарорларини, Самарқанд илмий-тажриба спорт қайиқлари заводи/нинг 1993 йил 21 январдаги 15 рақамли маълумотномасини иловага асосан тасдиқлансин.

2. Самарқанд электр тармоқлари:

а. "Ғалаба" жамоа хўжалиги бошқарувининг қурилиш пайтида кесиладиган тоқлар ва тутларнинг баланс нархлари ҳақидаги 1992 йил 18 декабрдаги 509 рақамли маълумотномасига асосан хўжаликка 143520 сўм миқдориде пул тўлаши, "Гулобод" жамоа хўжалиги бошқарувининг 1992 йил 23 декабрдаги 193 рақамли маълумотномасига асосан 8258,2 сўм миқдориде пул тўлаши лозим;

б. қурилиш тугатилгандан кейин вақтинча ажратилаётган ерларни қайта тиклаб, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ҳолатга келтириб хўжаликларга қайтариши шарт.

3. Самарқанд вилоят ҳоқимиятидан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралсин.

Район ҳоқими

Р. Ҳақимова